



ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК МАЖМУАЛАР ФАОЛИЯТИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ  
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD **Хомидов Қаххорали Қурбонали ўғли**  
Фарғона давлат университети  
ORCID: 0000-0002-5768-6010  
[xomidovqahhoralij7@gmail.com](mailto:xomidovqahhoralij7@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада туристик мажмудалар рақобатбардошлигини таъминлаш механизмининг концептуал марказлашган модели ишлаб чиқилган бўлиб, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришилар натижасида бюджет секторидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳам давлат бюджетидан молиялаштириш учун рақобат ортиб бормоқда, чунки молиялаштириш ҳажми ташкилотларнинг меъёрий мезонларни бажаришига боғлиқ бўлиб, унга эришиш умумий самарадорликни ошириш учун ички жараёнларни сезиларли даражада тартибга солиш зарурлигини талаб қиласди.

**Калит сўзлар:** туристик мажмуда, туристик мажмудалар рақобатбардошлиги, туристик хизматлар ва маҳсулотлар рақобатбардошлиги, рақобатбардошлик мезонлари, туристик корхоналар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ  
УЗБЕКИСТАНА

PhD **Хомидов Қаххорали Қурбонали ўғли**  
Ферганский государственный университет

**Аннотация.** В данной статье разрабатывается концептуальная централизованная модель механизма обеспечения конкурентоспособности туристических комплексов, и в результате проводимых системных изменений конкуренция за финансирование из государственного бюджета растет даже среди хозяйствующих субъектов бюджетного сектора, поскольку объем финансирования зависит от выполнения регулирующих критериев со стороны организаций, достижение которых требует необходимости.

**Ключевые слова:** туристический комплекс, конкуренция туристических комплексов, конкурентоспособность туристических услуг и продуктов, критерии конкурентоспособности, туристические предприятия.

**IMPROVEMENT OF MECHANISMS FOR MANAGING COMPETITIVENESS OF THE ACTIVITIES OF TOURIST COMPLEXES IN UZBEKISTAN**

*PhD Khomidov Kaxxorali Kurbonali ugli*  
*Fergana State University*

**Abstract.** This article develops a conceptual centralized model of the mechanism for ensuring the competitiveness of tourist complexes, and as a result of the systemic changes carried out, competition for financing from the state budget is growing even among business entities in the budget sector, since the volume of financing depends on the implementation of regulatory criteria by organizations, the achievement of which requires the need.

**Keywords:** tourist complex, competition of tourist complexes, competitiveness of tourist services and products, criteria for competitiveness, tourist enterprises.

**Кириш.**

Хизматлар соҳасида, хусусан, туризм хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини меъёрий жиҳатдан мувофиқлаштириш талаблари кучайиб бораётган, улар учун белгиланган солиқ юки ортиб бораётган ҳамда хизматлар бозорида йирик корхоналар улуши ортиб бораётган бугунги шароитда туристик мажмуалар рақобатбардошлиқ даражасини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар натижасида бюджет секторидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳам давлат бюджетидан молиялаштириш учун рақобат ортиб бормоқда, чунки молиялаштириш ҳажми ташкилотларнинг меъёрий мезонларни бажаришига боғлиқ бўлиб, унга эришиш умумий самарадорликни ошириш учун ички жараёнларни сезиларли даражада тартибга солиш зарурлигини талаб қиласди (Гришков, 2015). Сифат-нарх стратегияларидан фойдаланишдан иборат рақобатни таъминлашнинг анъанавий усуллари ҳозирги кунда хизматлар бозоридаги рақобатчилар томонидан кенг фойдаланилаётганлиги ҳамда глобаллашув таъсирида тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларининг ресурс харажатлари бўйича унификациялашуви таъсирида ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда (Евменов, Булочников, 2016).

**Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистонда туристик мажмуалар фаолиятини бошқаришнинг назарий жиҳатлари қўплаб иқтисодчилар томонидан ўрганилган бўлиб, булардан иқтисодчи олима Алимова (2017) ўзининг “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, бошқарув концепцияси орқали туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудий туристик кластерни шакллантириш бўйича илмий мулоҳазаларни келтиради.

Шунингдек, МДҲ олимлари Сурков ва Криворучколарнинг (2009) “Международний туризм в России: проблемы развития и управления” номли асарида Россияда халқаро туризм бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва интеграцион жараёнлар, туризм индустрияси субъектлари фаолияти, халқаро туризмни тартибга солиш механизмлари, халқаро туристик сиёсатнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор бошқарув йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Муаллифлар ўз асарида халқаро туризм ривожланишининг омиллари, глобаллашув жараёнларининг туристик мажмуалар бошқарув фаолиятга таъсири, туризм дестинацияси ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Рамадонова ва Макарченколарнинг (2016) “Государственное регулирование туристической деятельности” номли асарида туристик фаолиятни тартибга солиш усуллари, воситалари ва шакллари ёритиб берилган. Бунда туризм соҳасини бошқаришда давлатнинг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ асарда туристик фаолиятни бошқарув усуллари ва воситалари таснифи ишлаб чиқилмаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада туристик мажмуалар фаолиятида рақобатбардошликини бошқариш таҳлили амалга оширилиб, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда диалектик ва тизимли ёндашув, қиёслаш, эмперик тадқиқот ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллари орқали туристик мажмуалар фаолиятини бошқаришнинг ўстувор йўналишларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**


Бугунги кунда рақобатбардошлик даражасини белгиловчи омиллар сифатида ҳал қилувчи қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва хизматларнинг юқори даражадаги ижтимоий даражасига асосланган истеъмолчи танлови шаклланишининг мураккаб маркетинг усуллари олдинги ўринларга чиқмоқда.

Тегишли бошқарув даражасидаги мутахассислар қарорлар қабул қилишга таянувчи бошқарувнинг анъанавий усулларида ички ва ташқи муҳитдаги туристик мажмуалар рақобатбардошлигига таъсир этувчи хилма-хил ва ўзгарувчан омилларнинг кўплиги шароитида зарурӣ қарорларни ўз вақтида қабул қила олмайдилар. Бу шароитда мажмуа ҳудудида шаклланган турли даражадаги ташкилий тизимларни бошқариш самарадорлигини таъминлашда ҳисоблаш жараёнининг устунлиги парадигмаси, яъни мажмуалар ҳудудида дастурӣ таъминот ва рақамли бошқарув тизимлари ҳамда тармоқ инфратузилмасидан фойдаланишга асосланган ташкилий-бошқарув механизмини шакллантириш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда (Исаев, 2009). Атроф-муҳит шароитларига мослашувчан бўлган тезкор (оператив) қарорлар қабул қилишда самарадорлик омили, туристик мажмуа доирасида фаолият олиб борувчи корхоналарнинг нисбий қиймат сифатида рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, асосий натижавий омил сифатида қабул қилинади.

Замонавий ўзгаришлар шароитида комплекс ташкилий-иқтисодий механизм элементлари хизматлар соҳасининг молиявий хизматлар каби нисбатан юқори технологиялар қўлланиувчи тизимларида учрайди. Масалан, банк сектори маълум бир алгоритм ёрдамида рискларни юзага келиш шартларини автоматик равишда баҳолаш ва бошқариш имконини берувчи операцион рискларни бошқариш механизмидан фойдаланади (Ивлиев, Лазуков, 2010).

Таъкидлаб ўтиш лозимки, туристик мажмуа таркибидаги тадбиркорлик субъектлари учун мураккаб автоматлаштирилган марказлаштирилган бошқарув механизмларини қўллаш тизимнинг асосий сервери ва кирувчи маълумотларни олиш нуқталари ўртасида катта маълумот алмashiш жараёнларини амалга ошириш зарурати билан чекланган эди, бу эса бундай тизимларнинг асосий камчиликлари ва чекланиши сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг тарқалишига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда ушбу вазифаларни замонавий инфратузилма объектлари (булутли сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари, тезкор симсиз Интернет) бемалол амалга ошира олади. Бунда замонавий ERP, MES ва бошқа шу каби тизимлар ўзларининг модулли тамойили билан боғлиқ асосий камчиликларга эга бўлиб, камчиликларнинг асосий сабаби – бундай тизимларни ишлаб чиқувчиларнинг маркетинг мақсадлари билан боғлиқ.



Бироқ, бундай тизимлар бошқарув тизими томонидан қарор қабул қилиш учун ахборот афзаликлари, нисбий меҳнат унумдорлигини ошириш ва бухгалтерия ҳисоби сифатини тубдан яхшилаш каби ижобий таъсирларга эга бўлса-да, туристик мажмуалар худудидаги туристик корхоналар ва инфратузилмаларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи омилларидан бири сифатида қаралмайди.

Юқоридаги ҳолатларни ўргангандан ҳолда, тадқиқот жараёнида туристик мажмуалар рақобатбардошлигини таъминлаш механизмининг концептуал марказлашган модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Механизмни элементлар таркиби бўйича қўриб чиқилса, унинг асосий мақсади – жорий ва истиқболдаги фаолият шароитида туристик мажмуанинг энг юқори мумкин бўлган салоҳиятдаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Асосий мақсад мумкин бўлган барча сценарийларни ҳисобга олган ҳолда рақобатга мувозанатлашган, илмий асосланган ёндашувлардан фойдаланиш заруриятини белгилаб беради. Ташқи ва ички омилларнинг ўзига хос, динамик равишда ўзгарувчан комбинацияси мажмуа учун танланган рақобат жараёнига турли ёндашувлардан фойдаланиш мувозанатини таъминлайди.

Мажмуа худудидаги айrim субъектлар учун нарх омилининг рақобатбардошлиқдаги қиймати юқори даражада бўлади, бошқалари учун тизим ишлаб чиқариши сифат омилларининг мураккаб параметрлари биринчи ўринга чиқади, бу эса мажмуанинг билвосита маркетинг фаолияти билан боғлиқ ички муҳит омилларини ўз ичига олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мажмуалар ўртасидаги рақобат учун нисбатан паст даражадаги тўсиқлар туфайли хизматларнинг айrim анъанавий тармоқларида, айниқса, кичик ва ўрта бизнес даражасида рақобат жуда кескинлашади.

Ишлаб чиқилган механизmdа туристик мажмуаларнинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи муҳит жараёнларини белгиловчи барча асосий омилларнинг мониторинги ва назорати нуқталарини бирлаштирган механизmdа ягона ахборот бошқарув тизимига бўлган эҳтиёжнинг асосий роли қўрсатиб ўтилган.

Туристик мажмуаларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш механизмининг концептуал моделининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- мажмуанинг маълум бир даврдаги фаолият мақсадини аниқлаш;
- мажмуанинг рақобатбардошлигига таъсир қўрсатиш жиҳатидан муҳим бўлган назорат нуқталари мажмуини аниқлаш;
- тўпламга киритилган омилларнинг жорий қийматларини аниқлаш;
- олинган қийматларни интеграциялашган қўрсаткичларга жамлаш, яъни мажмуанинг жорий рақобатбардошлигини баҳолаш;
- мажмуанинг жорий рақобатбардошлигини автоматлаштирилган таҳлил қилиш;
- рақобатбардошлиknинг доимий омилларини соддалаштирилган тартибда автоматлаштирилган созлаш;
- қўлда амалга ошириладиган режимда рақобатбардошлиknинг муҳим омилларини созлаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Механизмни шакллантиришдаги асосий босқич – рақобатбардошлик омилларининг умумий тўпламини танлаш ҳисобланади, чунки турли мажмуаларга мос келадиган универсал ўзгарувчилар билан бирга, ўзига хос, шунингдек, маълум бир тармоқ корхоналари учун махсус омилларни танлаш керак. Бунда омил танлаш тизими механизмининг асосий қисми бўлгани учун бу босқичдаги хатолик бутун тизимнинг ўз вазифаларини бажара олмаслик ҳолатига олиб келади.

Корхона рақобатбардошлигининг интеграл (умумлашган) қўрсаткичини баҳолаш учун тўғридан-тўғри автоматлаштирилган функционал мониторинг тизими томонидан динамик равишда олинган маълумотлардан фойдаланади ва тизимга киритилган математик йиғиш алгоритмларини амалга ошириб, омил гуруҳларининг қийматларини

ва рақобатбардошликтининг ажралмас кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқади, сўнгра қарор қабул қилиш бўлимига киради. Ушбу блокнинг автоматик ишлаши учун талаб ходимлар иштирокида анъанавий равишда маълумотларни йифиш ва қайта ишлашнинг юқори иқтисодий харажатлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, анъанавий усул тезкорлик ҳамда маълумотларни тўплаш ва талқин қилиш борасида камчиликларга эга.

Стратегик ва тактик қарорларни қабул қилиш жараёнида рақобатбардошлик кўрсаткичини рақобатдошлик омилларини умумлаштириш асосида ажралмас ҳолда олинган мутлоқ қиймат ва рақобатчилар учун ўхшаш кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда нисбий кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкин. Рақобатчилар рақобатбардошлигининг ажралмас кўрсаткичини етарли даражада баҳолаш учун ички муҳит ҳақида тўлиқ маълумот олиш қийин.

Ушбу таҳлил хизматлар рақобатбардошлигининг нисбий кўрсаткичларини умумий рақобатбардошликтининг таркибий қисмлари сифатида ҳисоблаш учун асос яратади ва тегишли хуносалар чиқаришга ёрдам беради.

### **Хуроса ва таклифлар.**

Таклиф қилинаётган динамик SWOT таҳлил тизими корхонанинг ички ва ташқи муҳитни доимий равиша автоматаштирилган бошқаришдан иборат ва стратегик ҳамда тактик даражада қарор қабул қилиш учун корхона раҳбариятига табақалаштирилган, математик жиҳатдан асосланган тавсиялар беради. Таклиф қилинаётган мониторинг тизимида назорат қилиниши керак бўлган ички муҳитнинг омил кўрсаткичлари – хизматлар, ички муҳит бўлимлари ва жараёнлар гурухларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ташқи муҳитни мониторинг қилувчи омиллар гуруҳи блоки микро ва макро муҳит омиллари тизими томонидан илгари танланган ва кузатилган ҳолат тўғрисида доимий маълумот оқимини ўз ичига олиши керак (биринчидан, мақроиқтисодий, сиёсий, технологик, ижтимоий-маданий компонентларнинг назорат нуқталари; иккинчидан, мажмуанинг энг яқин муҳити – етказиб берувчилар, рақобатчилар, мижозлар).

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Алимова М.Т. (2017) Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиши ҳусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 25-26-б.

Гришков А.Ф. (2015) Оценка конкурентоспособности организации сферы услуг как основа механизма управления конкурентоспособностью // Вестник РАЕН. № 2 (19). С. 81–86.

Евменов А.Д., Булочников П.А. (2016) Управление качеством процессов функционирования организаций как резерв повышения конкурентоспособности // Петербургский экономический журнал. № 3. С. 40–49.

Ивлиев С.В., Лазуков С.И. (2010) Автоматизированная система управления рисками: инновационный подход к управлению банком // Банковские технологии. № 3. URL: <http://www.prognoz.ru/publications/1224> (дата обращения: 10.04.2019).

Исаев В. (2009) От атома до космоса: 50 лет АСУ// Открытые системы. № 5. URL: <https://www.osp.ru/os/2009/05/9883736> (дата обращения: 10.04.2019).

Рамадонова М.М., Макарченко М.А. (2016) Государственное регулирование туристической деятельности // Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. – С. 211-213.

Сурков С.Г. (2009) Международный туризм в России: проблемы развития и управления / С.Г. Сурков, В.И. Криворучко. – М.: Советский спорт, – 214 с.